



XALQ DEPUTATLARI NUROTA TUMAN KENGASHI

210700, Nurota t., Islom Karimov sh. k 48, tel: (79)523-12-00

2022 - yil 30 - iyun

VII-40-79-5-74-K/22

Nurota tumani hokimligi

**Навоий вилояти прокуратурасининг 2022 йил 12 майдаги 10.2/5-22-315-сонли протестини рад
этиш тўғрисида**

Навоий вилояти прокуратурасининг 2022 йил 12 майдаги 10.2/5-22-315-сонли протестини муҳокома қилиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 24, 29-моддалари, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги” Қонуннинг 12, 24, 32-моддаларига асосан ҳалқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Навоий вилояти прокуратурасининг 2022 йил 12 майдаги Ҳалқ депутатлари Нурота туман Кенгашининг 2022 йил 18 апрелдаги “Фуқаролар ташабbusи жамғармаси” маблағларини “openbudget.uz” расмий веб сайти орқали мавжуд маҳаллий муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларга йўналтириш тўғрисида”ги VII-37-45-5-74-K/22-сонли қарорининг 1-банди олтинчи хатбошиси (“Нурота туман 52-сонли умумий ўрта таълим мактабини жорий таъмирлаш” (таклиф ID рақами 0770400197) ва иловасининг 6-банди бекор қилиш тўғрисидаги 10.2/5-22-315-сонли протести куйидаги асосларга кўра:

синф хоналари пол қисмини таъмирлаш (ленолиум билан қоплаш);

2 та бинони фасад қисмини таъмирлаш;

мактаб атрофидаги 115 метр эски деворларни бузиб темир панжара билан ўрапш;

қиши мавсумида бинони совуқдан сақлаш учун 1 та бинонинг кириш қисмига акфа профилдан танбур ўрнатиш;

кириш қисмидаги коровулхона биносини таъмирлаш;

мактабда куз-қиши мавсумида кўмир ёқилғисини сақлаш учун кўмирхона биноси бўлмаганлиги учун ташқарида сақланишини инобатга олиб янги кўмирхона биносини куриш зарурати мавжудлиги инобатга олиниб рад қилинсин.

2. Ушбу қарорнинг биринчи бандидаги асосларни ва илова қилинган материаллар инобатга олиниб, “Очиқ бюджет” ахборот порталаida фуқаро Сафаров Рустам ташабbusи билан “52-сонли умумий ўрта таълим мактаби биносини жорий таъмирлаш” лойиҳасини амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисоблансин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш ҳалқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни иқтисодий ислохотларни амалга ошириш инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ф.Эрмаков) зиммасига юклатилсин.

Kengash raisi



A.Fayziyev